

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан ташкил этилган БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси фаолияти ҳақида фикр юритилган. Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси Орол муаммоси ва Оролбўйида истиқомат қилаётган инсонлар ҳаёти ва турмуш тарзини янада яхшилаш бўйича БМТ кўмаги ва ҳомийлигида қатор давлатлар шериклигида ташкил этилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается деятельность Трестового фонда Многостороннего партнерства ООН по человеческой безопасности для региона архипелага, который был создан по инициативе Республики Узбекистан. Целевой фонд «Многостороннее партнерство по человеческой безопасности для региона Аральского залива» создан в партнерстве с рядом стран под эгидой ООН для дальнейшего улучшения жизни и образа жизни людей, проживающих в регионе Аральского залива.

SUMMARY. This article discusses the activities of the UN Multilateral Partnership for Human Security for the Aral Sea Region, established at the initiative of the Republic of Uzbekistan. The Multilateral Partnership for Human Security for the Aral Sea Region was established in partnership with a number of countries with the support and patronage of the UN to further improve the lives and livelihoods of people living in the Aral Sea region.

СОВЕТ СУД ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

А.Абдуллаев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: суд, ҳуқуқ, Россия, Совет социалистик федератив республика, бўлинмалар, янги суд, шакл, усул, халқ, комиссариат.

Ключевые слова: суд, закон, Россия, Советский социалистический федеральный республика, подразделения, новый суд, форма, метод, народ, комиссариат.

Key words: court, law, Russia, Soviet socialist federal republic, subdivision, new court, form, method, nation, commissariat

Амударё бўлимида октябрь тўнтаришидан кейин бўлимда ташкил топган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари совети ўлкада Россия империяси даврида иш олиб борган ҳукумат ташкилотлари ва бошқармалари фаолиятини тугата бошлади. Халқ Комиссарлари Совети бошқарувнинг ўзига хос шакл ва усуллари ишлаб чиқа бошладилар.

Суд-ҳуқуқ тизимига эътибор қаратилди. Мазкур масалалар билан Халқ Комиссарлари Совети, ишчи, деҳқон, солдат депутатлари советлари ижройи кўмиталари тўғридан-тўғри шуғулланди, ҳатто тергов ишларини ҳам олиб борди. Совет давридаги суд-ҳуқуқ тизимининг ривожланишини шартли равишда икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчиси – 1917 йилдан 1922 йилгача бўлган давр. Бу даврда совет судлари шакллана бошлади. Ўлкада юз бераётган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ўзгаришларнинг объектив ва субъектив ҳолатлари ҳам алоҳида роль ўйнади. Бу даврда ҳар хил фавқулодда трибуналлар, комиссиялар ташкил этилди.

Иккинчи давр – 1922 йиллардан бошланган бўлиб, бу даврда суд тузилиши, суд тартиблари ўрнатила бошлаган. Айрим фавқулодда ташкил этилган органлар қисман тугатила бошланган.

Кўп ҳолларда фуқароларнинг судда иши кўрилатганда оддий талаблар бажарилмай, фуқароларнинг гуноҳкор ёки гуноҳкор эмаслигини тасдиқлашга имконият қолмаган. Айрим судьялар ўз лавозимига номуносиб бўлиб, жиноятнинг олдини олиш бўйича етарли иш олиб бормаган [1].

Туркистон Халқ Комиссариатининг 1917 йил 23 ноябрдаги биринчи буйруғи билан Туркистон Республикаси Адлия Комиссариати ташкил топган ва Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари кенгаши таркибига киритилган. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 12 декабрдаги буйруғига биноан судлар, прокурор назорати, тергов ва адвокат ташкилоти [2], шунингдек,

суд тартиблари, округ суди, суд палатаси ва барча номдаги ҳарбий судлар тугатилиши назарда тутилган [3].

1917 йил 24 ноябрда Бутун Россия Марказий Ижройи Кўмитаси томонидан Суд ҳақида декрет қабул қилинди. Декретда суд тузилиши ва судга тегишлилик масалалари белгилаб берилди [4]. Унга асосан округ халқ судлари ташкил этилган бўлиб, фуқаролик ишларини кўриб чиққанда округ халқ судларининг доимий аъзоларидан уч нафар, навбатдаги суд маслаҳатчилари ва битта заҳирадаги суд маслаҳатчилари, жиноий ишларда эса 12 нафар навбатдаги суд маслаҳатчилари ва 2 нафар заҳирадаги маслаҳатчилар доимий суд аъзоларидан биттаси раислик қилган ҳолда қараб чиқилган. Навбатдаги суд маслаҳатчилари, шаҳар ишчи, солдат, деҳқон депутатлари советлари томонидан маҳаллий туман, бўлис советлари таклифига ва рўйхатига асосан тузилган. Ҳар бир сессиянинг навбатдаги рўйхати советларнинг ижройи кўмиталари томонидан яширин асосда тасдиқланган. Декретда халқ маслаҳатчилари ва суд тергови масалаларига эътибор қаратилган. Унга асосан халқ маслаҳатчилари суд терговида қатнашиб нафақат жиноят фактларини очган, балки қонунда кўрсатилган жазо меъёрини озайтириш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Ҳатто айбдорни ҳар қандай жазодан шартли ёки тўлиқ озод қилишга шуғулланган. Раиснинг ҳулосавий сўзи бекор қилинган. У фақат қонунда кўзда тутилган жазо тури бўйича ҳулоса берган. Халқ маслаҳатчиларининг кенгашида раис кенгаш овозига эга бўлиб қатнашган.

Халқ судлари ҳукми билан қамалганлар маҳаллий халқ судидан шартли ёки муддатидан олдин озод қилишни ёки ўз ҳуқуқини тиклашни сўраши мумкин бўлган. Агар маҳаллий суд лозим топса ишни бирламчи судга қайтарган. Жиноий, фуқаролик ишлари ва кассация бўйича шикоятларни қараб чиқиш муддати бир ой деб белгиланган. Шикоят суд ҳукмининг ижросини тўхтатган.

Шунингдек, апелляция шаклидаги шикоятлар бекор қилиниб, фақат кассация қарорларига рухсат этилган. Агар округ халқ судлари қарорига кассация шикояти тушса, қарорлар бекор қилингандан кейин, иш округ халқ судининг янги таркибига қараб чиқиш учун берилган. Кассация суди жазони енгиллаштириши ёки кечирим ҳам бериш ҳуқуқига эга бўлган [5]. Мазкур декретга биноан, Петроградда олий суд назорати ташкил этилган бўлиб, Олий суд назорати амалдаги қонун билан халқнинг ҳуқуқий онги ўртасида тафовут топса, уни тегишли қонун чиқарувчи органларга янги қонун чиқариш учун тақдим этган. Олий суд назорати қарорини собиқ Совет ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органига бекор қилиши мумкин бўлган.

Судда сўзлашув, ҳужжатларни қайси тилда расмийлаштириш судья ва ишчи, солдат, деҳқон депутатлари совети билан биргаликда белгиланган.

Аммо шунини таъкидлаш лозимки, фуқаролик ва жиноий ишларда судлов ишларини юргизиш 1864 йилдаги «Суд уставлари тартиблари» асосида давом этаверган. Чунки, бу тартиб ишчи, солдат, деҳқон депутатлари Марказий Ижроий Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Совети томонидан декрет билан бекор қилинмаганлигини алоҳида айтиш жоиз. Бу тартиб – қоидалар «меҳнаткашлар синфи» кўз қарашига қарши эмас, деб ҳисобланган.

Шу билан бирга, архив ҳужжатлари таҳлиллари шунини кўрсатадики, судларнинг ҳукм ва қарорларида эски империя даври қонунларини бекор қилганлиги ҳам асослаб кўрсатилмаган [6]. Фуқаролик ва жиноий, ҳолислик судларида суд божиси олинган. Агар 100 рубльдан 300 рубль миқдордаги иш қараб чиқилса 2 фоиз бож, агар 3000 дан 100.000 рубльгача 3 фоиз бож, иш 100.000 рубльдан ортиқ пулга баҳоланса, 4 фоиз миқдорда бож олинган.

Агар дастлабки терговни олиб бориш маҳаллий судга тегишлилиги доирасидан чиқса, дастлабки терговни ишчи, солдат, деҳқон депутатлари Совети томонидан тўғридан-тўғри сайлов куни белгилангунга қадар танланган уч нафар одамдан иборат тергов комиссияси олиб борган.

Тергов комиссияси иш жараёнида ишга аниқлик киритиш учун, у ёки бу ташкилотга, лавозимдаги шахсларга мурожаат қилиши ҳам мумкин бўлган. Тергов комиссияси устидан шикоят округ халқ судига берилган. Жиноий ишлар бўйича тергов комиссиясининг айблов акти судга ўтказиш вақтида қарор билан алмаштирилган. Декретда айблов ва ҳимоя масалаларига ҳам аниқлик киритилган. Суд айбловчи ва ҳимоячи иштирокида ташкил этилган. Ишчи, солдат, деҳқон депутатлари советлари қошида жамоат ҳимоячиларидан хайъат аъзолари ташкил этилган бўлиб, уларга пул тўланган.

Декретда ҳолислар суди (Третейский суд) ёки арбитраж судига эътибор қаратилган. Ҳолислар суди томонларнинг келишувига биноан битта воситачи ёки икки томондан ҳам бир хил аъзолар қатнашиб ва битта воситачи иштирокида ташкил этилган. Масала ҳал бўлганидан кейин икки томоннинг келишуви асосида ҳолислар дафтарига ёзилиб, гувоҳларнинг қўл

тамгалари билан расмийлаштирилган. Судга бож тўланган. Ҳолислар суди масалани 4 ой ичида қараб чиқиши зарур бўлган, агар томонларнинг бири судда муддатини чўзишга розилик бермаса, суд ёпилган ва бўлмаган деб ҳисобланган. Ҳолис судлари устидан кассация шикоятини маҳаллий суд съездлари қараб чиққан, агар ҳолис суд қарори бекор қилинса, иш умумий судга оширилган.

Шу билан бирга, судда оила-никоҳ масалаларига ҳам эътибор қаратилган. 1918 йил 11 мартда Туркистон Адлия Комиссариати Халқ Комиссариати Совети томонидан чоп этилган «Никоҳни бекор қилиш» ҳақидаги маърузасига асосан расмийлаштирилмаган ажралиш қонуний ҳисобланмаслиги ҳақида бўйруқ чиқарган [7].

Адлия комиссариатининг 1918 йил 24 мартдаги бўйруғига асосан, қамоққа олишдан бошлаб, тинтув сургун ва бошқа амаллар фақат тегишли ташкилотлар, суд ёки тегишли одамлар томонидан ташкилотларнинг ордер ёки мандатлари орқали амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган бўлса ҳам совет ҳокимияти вакиллари ўлкада ўзи билганича қамоққа олиб, тинтув ўтказган, ҳатто одамларнинг қозон-товоқларигача мусодара қилганлар.

Суд ҳокимиятига бўйсунмаган фуқаролар «инқилоб» даври, «совет» даври қонуни билан жазоланган. 1918 йилнинг апрел ойига келгандагина эски суд фаолиятига аниқлик киритиш зарурлиги кўзга ташланган. Янги суд масалалари қараб чиқилмаётганлигига эътибор қаратилган. Мазкур ойдан бошлаб, Россия Адлия Халқ Комиссарининг кўрсатмасига асосан, Туркистонда эски суд тизими вақтинча сақланган, суд, прокуратура ва тергов ҳокимияти таркиби совет депутатлари билан тўлдирилган.

Шунингдек, Халқ Комиссарлари Совети томонидан тугатилган ҳарбий судлардаги барча судлов ишлари тегишли фуқаролик судларга, тергов олди суриштирув ишларини эса фуқаролик идораларининг суд терговчиларининг олиб боришига рухсат берилган [8].

Бутун Туркистон Советларининг V съездида ҳам суд тузилиши масаласини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилган.

1918 йил 30 ноябрда Советларнинг бутун Россия Ижроий Қўмитаси ва Халқ Адлия Комиссариати томонидан «Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси Халқ суди ҳақида» декрет ва низом ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. 1920 йил 25 июндан бошлаб, уездларда халқ судларининг ижрочи бюроси ташкил этилган. Бу даврда Петро-Александровскда халқ судлари сони 2 нафар, терговчилар сони 2 нафар бўлиб, улардан бири рус миллатига мансуб бўлган. Шунингдек 3 нафар ҳимоячи фаолият юритган, кадрлар етишмаслиги туфайли 1 нафар халқ судьяси, 1 нафар терговчи, 3 нафар ҳимоячи лавозими бўш бўлган. Шу билан бирга, Чимбойда, Шўрохонда 3 ҳимоячига мухтожлик сезилган.

Шундай қилиб XX асрнинг 20-йилларида совет суди ҳуқуқий асосларининг зарурий қисми яратилган ва ўлкада Собиқ совет суди шакллана бошлаган.

Адабиётлар

1. ЎзРМДА. Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 946-йигма жилд, 51,51- о. б.

2. Сборник декретов и постановлений Совета Народных Комиссаров Туркестанский Федеративной Республики. С 23 ноября, 1917 года по 1 июля 1918г. Р-38, 2-рўйхат кириш сўзи.
3. ЎзРМДА. Р-38-жамғарма, 2-рўйхат, 3-йиғма жилд, 15-варак. (Суд ақидаги декретининг 1917 йил 24 ноябрь ойидаги учунчи бўлими.
4. ЎзРМДА. Р-38-жамғарма, 2-рўйхат, 3-йиғма жилд, 16-17-18-варақлар.
5. Халқ Комиссариат Советининг 1918 йил 11 январда «Наша газета»да Никохни бекор қилиш ҳақида маъруза чоп этилган.
6. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанский Федеративной Республики. С 23 ноября, 1917 года по 1 июля 1918г. – С.34.
7. Доклад по Комиссариату Юстиции Туркестанской Республики. 1920г. С-2.
8. ЎзРМДА. Р-38-жамғарма, 2-рўйхат, 80-йиғма жилд, 32, 38-38-в.о.-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Совет даври суд-ҳуқуқ тизими, тергов ишлари олиб бориш жараёнлари ҳақида фақид фикр юритилган. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимининг биринчи – 1917 йилдан 1922 йилгача ва иккинчи давр – 1922 йиллардан бошланган ривожланиш давлари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается судебная система советского времени, процессы ведения следственной работы. Также изучены первый период развития судебной системы - с 1917 по 1922 год и второй период - начиная с 1922 года.

SUMMARY. The article discusses the judicial system of the Soviet era, the processes of conducting investigative work. Also, the first period of development of the judicial system - from 1917 to 1922 and the second period - starting from 1922 have been studied.

JASLAR TÁRBIYASÍNDÁ MÁHÁLLENÍŇ ORNÍ

G.Djamilova – assistent oqitwshi

Ájiniyaz atundaǵı Nòkis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch soʻzlar: mahalla, yoshlar tarbiyasi, odob-axloq qadriyatlari, ijtimoiy tashabbuskorlik, milliy madaniyat.

Ключевые слова: махалля, воспитание молодежи, моральные ценности, социальная активность, национальная культура.

Key words: mahalla, youth education, moral values, social activity, national culture.

Kirisiw. Jaslar tárbiyası hár bir jámiyetniń keleshegin belgileytuǵın tiykarǵı faktorlardan biri bolıp esaplanadı. Jas áwladtı tárbiyalaw procesinde tek ǵana shańaraqtıń emes, al jámiyetniń basqa sociallıq institutları, sonıń ishinde, máhálle institutınıń ornı úlken áhmiyetke iye [2:17-20]. Máhálle áyyemnen Ózbekstan jámiyetiniń quramlıq bólegi bolıp, tek ǵana sociallıq-ekonomikalıq emes, al ruwxıy-aǵartıwshılıq jumıslarda da áhmiyetli rol atqarıp kelmekte. Búgingi kúnde máhálle niń jaslar tárbiyasındaǵı wazıypaları jáne de keńeyip, olar arasında ádep-ıkramlılıq qádiriyatlardı sındırıw, jaslar dıń sociallıq belsendiligin arttırıw hám olarda milliy mádeniyatqa húrmetti qalıplestiriw sıyaqlı máseleler ayrıqsha orın iyelemekte [7:39-47]. Bul maqalada jaslar tárbiyasında máhálle niń roli hám onıń sociallıq-ruwxıy turmıstaǵı áhmiyeti ilimiy tiykarda talqılanadı. Izertlewdiń tiykarǵı maqseti - máhálle institutınıń jaslar tárbiyasındaǵı ornı hám onıń nátiyjeliligin arttırıw jolların anıqlaw bolıp tabıladı. Usı tiykarda, maqala tek ǵana máhálle niń tárbiyalıq wazıypaların úyreniwdi emes, al olardıń házirgi zaman talapları menen sáykeslesiwı máselesin de kórip shıǵadı. Izertlewdiń áhmiyetliligi sonnan ibarat, milliy hám sociallıq qádiriyatlardıń jaslar sanasında bekkem orın iyelewı, jámiyettegi hár qıylı unamsız tendenciylarǵa qarsı immunitetti qalıplestiriwde máhálle jumısın rawajlandırıw zárurlıǵı kún sayın artıp barmaqta. Usı kózqarastan, bul maqala usı máselelerdi ilimiy qatnas tiykarında kórip shıǵadı hám ámeliy usınıslar islep shıǵadı.

Izertlew metodologiyası. Jaslar tárbiyasında máhálle niń ornı hám onıń sociallıq-ruwxıy jumıstaǵı áhmiyetin tereń úyreniw ushın izertlewde bir neshe nátiyjeli usıllar qollanıldı. Hár bir basqış izertlewdiń áhmiyetliligin tereńirek añlaw hám ilimiy qatnaslar tiykarında anıq nátiyjelerge erisiw imkaniyatın berdi. Dáslep, ádebiyatlar

analizi ámelge asırıldı. Bul basqışta máhálle institutınıń tariyxıy rawajlanıwı hám jaslar tárbiyasındaǵı ornın sáwlelendiretuǵın ilimiy derekler, maqalalar hám nızamshılıq hújjetleri úyrenildi. Bul process arqalı máhálle niń sociallıq hám ruwxıy wazıypaları jáne zamanagóy talaplarǵa beyimlesiw máseleleri haqqında keń túsiniq payda etildi. Ilimiy teoriyalar hám ámeliy tájiriybeler tiykarında máhálle jumısın áhmiyetli tárepleri anıqlandı. Keyin ala, sapalı izertlew usılları qollanıldı. Bul basqışta máhálle belsendileri, ata-analar hám jaslar menen tereń intervyular shólkemlestirildi. Intervyu sorawları máhálle niń jaslar tárbiyasındaǵı ámeliy jumısın bahalawǵa qaratılǵan bolıp, olardıń pikirleri hám baqlawları tiykarında real mashqalalar hám zárúrlıklar anıqlandı. Sonday-aq, fokus-toparlar shólkemlestirilip, máhálle jumısın nátiyjeliligin tallawda jámáátlik dodalaw usılı qollanıldı. Izertlewdiń áhmiyetli bólimi sorawnama ótkeriw arqalı ámelge asırıldı. Jaslar hám ata-analar arasında dúzilgen arnawlı sorawnamalar arqalı máhálle niń tárbiyalıq jumısına bolǵan qatnas hám kútilip atırǵan nátiyjeler úyrenildi. Soraw nátiyjeleri sanlı usıllar járdeminde tallanıp, máhálle niń kúshli hám kúshsiz tárepleri anıqlandı. Bul bolsa jaslar tárbiyasındaǵı kemshiliklerdi saplastırıw ushın anıq usınıslardı islep shıǵıwǵa járdem berdi. Alınǵan barlıq maǵlıwmatlar zamanagóy statistikalıq tallaw usılları járdeminde tallandı. Máhálle jumısın jaslar tárbiyasına bolǵan tásinin muǵdar jaǵınan ólshew arqalı anıq kórsetkishler islep shıǵıldı. Bul statistikalıq tallawlar máhálle niń tárbiyalıq jumısın bahalawda isenimli tiykar bolıp xızmet etti. Sonday-aq, salıstırmalı talqılaw da izertlewdiń áhmiyetli bólegi boldı. Máhálle niń jaslar tárbiyasındaǵı ornı basqa mámleketlerdegi sociallıq institutlar jumısı menen salıstırıldı. Bul process milliy modeldiń abzallıqların ashıp beriwge hám onı